


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 4 январь, № 3 (7505) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ, ЖАМИЯТИМИЗДА ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА АҲИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

**2019 йил турли қийинчилик ва синовларга қарамай, мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Барча соҳада улкан натижа ҳамда ютуқларга эришилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимизнинг салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди. Энг муҳими, бу муваффақиятларимиз Янги — 2020 йилда ҳам давом этади. Шундай дейиш учун эса асосларимиз бор.**

## Қонун ижодкорлиги фаолиятидаги янгиликлар халқимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда

***Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги ҳар биримизни чуқур мулоҳазага чорлади. Беихтиёр, ўтган йилда қандай марраларни забт этдик, Янги йилда нималарни қилишимиз керак, деган ўйлар кечди хаёлдан.***

Бунга парламент қуйи палатасининг биргина йўналиш, яъни қонун ижодкорлиги фаолияти, хусусан, Конституциямизга киритилган ўзгартишлар ҳамда улар халқимиз ҳаётида қандай акс этганлиги мисолида жавоб беришга уриниб кўрсак.

Ўтган йили Асосий Қонунимизга уч марта ўзгартиш киритилди. Охиргиси 2019 йил 4 сентябрда амалга оширилди. Унга мувофиқ, унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган маҳкумлар сайловда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Биргина шу янгиликнинг ўзиёқ дунё ҳамжамиятида катта акс садо берди. Яъни шу турдаги жиноятларни содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар ҳам мамлакатимиз тарихида биринчи марта сайловда қатнашди. Аниқ айтадиган бўлсак, 1 905 нафар ана шундай шахс илк бор овоз берди. Бу нафақат юртдошларимиз, шу билан бирга, хорижликлар томонидан ҳам Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш сари ташлаган навбатдаги дадил қадами сифатида баҳоланди.

Умуман, парламентимизнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ҳар бир янгилик халқимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Бу эса биз, депутатларни янги бошланган йилда ҳам катта куч-ғайрат билан ишлашга ундайди.

**Абдуғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

### Акс садо

## Сўз ва амал бирлиги

***Президентимизнинг юртдошларимизга Янги йил табригидаги “Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда”, деган сўзлари замиридаги ҳақиқатни Сирдарё вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

2019 йилда ҳудуднинг илгари эътибор берилмаган Ховос туманида “Ховос сити” қурилиши, ёшларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг очилиши каби улкан бунёдкорликлар сўз ва амал бирлиги ифодаси бўлди. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар билан бирга, мавжуд камчиликларни ҳам рўйирост кўтариб чиқаётгани белгиланган вазифаларни биргаликда ечишда қўл келмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистон, янгиланаётган Сирдарё, тобора чирой очиб бораётган мана шу юртга, шу элга хизмат қилиш 2020 йилда ҳам муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверади.

**Фарҳод БОҚИЕВ,**
**Сирдарё вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи.**

## Ҳар бир масаланинг ечимини топиш жуда муҳим

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз аҳолисига Янги йил табригини эшитар эканмиз, 2020 йил халқимиз учун шарафли меҳнат ва масъулият йили бўлишини яна бир бор ҳис қилдик. Давлат раҳбари жамият тараққиётининг барча жабҳасига оид энг зарур мақсад ҳамда вазифаларни айтиб ўтди.***

Жумладан, янги йилда ҳам хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратиш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш масаласи ҳам доимий эътибор марказида бўлади.

Бу нимадан далолат беради? Шу кунга қадар мазкур йўналишда бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Эндиликда шу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, жойларда инвесторлар учун яратилаётган шароитларни янада яхшилашга аҳамият берилади.

Бу биз, сенаторлар зиммасига ҳам катта масъулият юклаши ўз-ўзидан тушунарли. Яъни Олий Мажлис Сенати аъзолари маҳаллий Кенгашларнинг йиғилишларида иштирок этиб, ҳудудларда тадбиркорлик ҳамда бизнес учун яратилган шароитларни муҳокама қилиш анъанасини изчил давом эттиради. Мазкур тажриба ўтган йилда кўпгина долзарб муаммоларни вақтида аниқлаш ва уларнинг ижросига масъулларни жалб этиш имконини берди. Шундан келиб чиқиб, бу йил ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлиб, барча масалани ўрганишга ҳамда юзага келаётган саволларга ўз вақтида қонуний ечимлар топишга қаратилган ишлар янада жадаллаштирилади. Токи, 2020 йил мамлакатимиз тарихига энг самарали ҳамда ривожланиш юксак паллага чиққан йиллардан бири сифатида муҳрлансин!

**Алишер КУРМАНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

➔ 2

### Эътироф

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ — 2020 ЙИЛ МИНТАҚАСИ

*АҚШ ва Австралияда чоп қилинадиган дунёга машҳур “Lonely Planet” журнали вакиллари Марказий Осиёни 2020 йилда саёҳат қилиш учун йил минтақаси, деб топди. Бу ҳақда “Дунё” АА хабар берди. Бинобарин, нашр жамоаси ҳар бир сайёҳга Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонга боришни тавсия этяпти.*

“Lonely Planet” булар ҳақида “Best in Travel” — саёҳат учун энг яхши жойларнинг йиллик рейтингида маълум қилди. Жорий йил учун тузилган бу галги рўйхат тўрт тоифага ажратилган — ўнта минтақа, ўнта мамлакат, ўнта шаҳар ва бюджет нуқтаи назаридан ўнта энг фойдали таклиф.

Минтақалар йўналишида Марказий Осиё биринчи ўринни эгаллади. “Бир пайтлар савдо ва сайёҳлар шарофати билан машҳур бўлган ушбу минтақа яна дунё диққат марказига чиқди. Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари, шовқин-суронли бозорлари ва кўҳна манзаралари тарихдаги энг афсонавий сайёҳлик йўналишларидан бирига саргузашт изловчи меҳмонларни янада кўпроқ жалб қиляпти”, дея қайд этилади “Lonely Planet”да.

Нашр экспертларининг фикрича, Марказий Осиёнинг 2020 йил минтақаси сифатида танланиши кўп тарафдан Ўзбекистонда бутун туризм тармоғини тубдан ўзгартиришга қаратилган жадал ислоҳотлар олиб борилаётгани ҳамда миллий иқтисодиётда ушбу сектор стратегик йўналиш сифатида белгилаб олингани натижасидир. “Қарийб 90 та давлат фуқароларига нисбатан визасиз режим жорий этилгани, қўшнилар билан мисли кўрилмаган даражада яқинлашиш, хорижлик туристларнинг икки баравардан зиёд кўпайиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун ҳам салмоқли сармоядир”, дея ёзилади манбада.

Нашр минтақа мамлакатларида эндиликда дунё аҳолисининг аксарият қисми учун ёки визасиз режим ё электрон визалардан фойдаланиш имконияти яратилганига аҳамият қаратади: “Транспорт ва инфратузилмаларга йирик инвестициялар замонавий Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат имкониятини ҳар қачонгидан ҳам кўра қулайроқ қилади”.

“Буюк Ипак йўлининг йўқотилган гўзаллигини Ўзбекистонда ўзингиз учун қайта кашф этинг. Мозаика билан қопланган Регистон қачонлардир Ўрта Осиё юраги ва савдо майдони — қадимги Буюк Ипак йўли марказидаги чорраҳа бўлган”, дейилади таърифда.

Қайд этилишича, Марказий Осиё тарихи Александр Македонскийдан тортиб, Чингизхон ва Амир Темургача ҳар қадамда ўз саҳифаларини очиб беради. Самарқанд ва Бухородаги афсонавий карвон бекатлари беқиёс минора ва мадрасалари билан биргаликда, худди Марко Поло давридан келиб қолганга ўхшайди. Маҳаллий бозорда кабобдан татиб кўринг ёки кўҳна карвонсарой бўйлаб сайр қилинг. Шунда мозий ошуфталари Марказий Осиёда тарих ва бугун ўзига хос тарзда бири-бирига уйғунлашиб кетаётганини ҳис этади.

➔ 2

### Ҳамкорлик



## ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ХОРИЖЛИКЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

*Пекинда ташкил этилган Ўзбекистон маданияти кунлари иштирокчилари учун шундай муҳит яратилдики, улар худди Буюк Ипак йўли жавоҳири саналган юртимиз бўйлаб саёҳат қилгандек бўлдилар.*

Доиранинг шўх садолари ва Ўзбекистон маданияти ҳамда қадриятлари ҳақидаги видеорликлар. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, юртимизнинг ХХРдаги элчихонаси ва Хитойнинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти томонидан уюштирилган тадбир ана шундай уйғун муҳит оғушида бошланди.

Зеро, “ШҲТ — умумий уйимиз” лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳам ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга кўмак бериш, урф-одатлар билан таништириш, мулоқотни йўлга қўйишдир.

Тадбирга юздан зиёд меҳмонлар йиғилди. Улар Рауф Авезов раҳбарлигидаги “Бухоро мавжлари” ансамбли ижросидаги миллий мусиқа концертини тинглашди. Махсус залда эса диёримиз табиати гўзалликлари, меъморий ёдгорликлари акс эттирилган фотосуратлар кўргазмаси ташкил қилинди. Ўймакор усталар томонидан яратилган амалий санъат намуналари, бадиий миниатюралар, кулоллик маҳсулотлари, миллий либослар ва кашталар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Бу ерда муаллифлари ташкилотга аъзо мамлакатларда ягона туристик майдон яратишни режалаштираётган “ШҲТнинг саккиз мўъжизаси” лойиҳаси кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир якунида миллий мода намойиши ўтказилди. Унда ўзбек миллий либослари тақдим этилди. Меҳмонлар миллий таомлардан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлди.

### *Сўз — тадбир иштирокчиларига*

**Владимир НОРОВ,**
**ШҲТ Бош котиби:**

— Бундай тадбирлар кўп томонлама Буюк Ипак йўлини ўзида ифодалаган мақсадларга ҳамоҳангдир. Зеро, у асрлар давомида халқлар дўстлиги, билимлар алмашинуви ва маданиятларни ўзаро бойитишга хизмат қилиб келган. Бу Хитойдан то Европа ва Африка мамлакатлари ҳамда Ҳиндистонгача чўзилиб кетган, Шанхай ҳамкорлик ташкилотида муҳим ўрин тутувчи Марказий Осиё ҳудудини ҳам ўз ичига олган улкан савдо ва маданият қон томири ҳисобланади.

У замонавий Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон ва Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлари орқали ўтиб Шарқ ва Ғарбни бирлаштиради.

➔ 3

### Анжуман

## «ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИ»

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан “Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” мавзуида собиқ “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи халқаро конференцияси ташкил этилди.*

Мамлакатимизда хорижда таълим олган малакали мутахассис ва давлат хизматчиларининг ижтимоий мавқеини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Малакали ва профессионал кадрлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

Тадбирда 300 нафар собиқ “Умид” жамғармаси стипендияси совриндори, шу жумладан, хорижда истиқомат қилаётган, замонавий билим ва қимматли тажрибага эга бўлган 90 нафардан ортиқ ватандошларимиз иштирок этмоқда.

➔ 3

## МУҚАДДАС САРҲАДЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНЛАРИ



*Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшаш ва уларнинг ички ишларига аралашмаслик, суверенитети ҳамда мустақиллигини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган бўлиб, кўп томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган.*

### 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни





### Мамлакат мудофаа қобилиятини оширишнинг асосий омили

Кейинги йилларда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида миллий армиямизнинг мудофаа қобилиятини юксалтиришга қаратилган улкан ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, яқин кунларда ташкил топганининг 28 йиллиги кенг нишонланадиган Қуролли Кучларимизда барча даражада профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, қўшинлар тайёргарлиги юзасидан тадбирларни режалаштириш бўйича янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил қилинди, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ишлар кучайтирилди. Қуролли Кучларга тааллуқли масалалар юзасидан халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги тизими жорий этилди, бошқа давлатлар билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик ривожлантирилди, ҳарбий соҳада хавфсизликни таъминлаш бўйича принципиал ёндашувларни ўзида акс эттирган янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

➔ 4

# 1 ЯНВАРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

ҚИСҚАРАЁТГАН ҲУЖЖАТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

● “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига риоя қилиш учун жавобгарлик бошқарув органларига юкланди. Давлат харидлари бўйича топшириқлар ва импорт контрактлари “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази”да экспертизадан ўтказилмайди.

***● 100 бошли чорва ва 100 минг парранда бўлган хўжаликларда ветеринария врачи ва зоотехник штати жорий этилди.***
***Туман ҳокимлари озуқа экинларини жойлаштириш режасини “Ўзбекчорванасл” агентлигининг ҳудудий бошқармалари билан келишади.***



● Республиканинг барча ҳудудидаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан электрон киритиш ва мулкдорга Реестрдан кўчирма бериш жорий этилди.

***● Қуйидагилар кадастр органларига электрон юборилмоқда:***
***банклар томонидан уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳамда ипотекани давлат рўйхатидан ўтказишда уй-жойни қабул қилиб олиш далолатномаси ва бошқа зарур ҳужжатлар;***
***Давлат активларини бошқариш агентлиги ва риэлторлик ташкилотлари томонидан кўчмас мулк объектини “E-IJRO AUKSION”да сотиш ва риэлторлик хизматлари кўрсатиш орқали вужудга келган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур маълумотлар.***

● Тут дарахтларини ғайриқонуний кесганлик, шикастлаганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жариманинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир бўлган ҳудудда янги тут кўчатлари экиш учун йўналтирилади.

***● Қора металлар прокатини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган индукцион печлар ва камераларга нисбатан тегишли божхона имтиёзлари татбиқ этилмайди.***

● Оғир ва йирик габаритли автомобилларнинг вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш, уларнинг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши учун йиғим ундириш ва ҳаракатланишига рухсатнома бериш Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Автомобиль йўлларининг қатнов қисмларига узунасига жойлашган муҳандислик коммуникацияларининг янги тармоқларини лойиҳалаштириш ва ётқизиш тақиқланади, уларнинг автомобиль йўллари билан кўндаланг кесишиши бундан мустасно.



***● Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, йўл-қурилиш ишларини техник назорат қилиш учун янгидан бошланадиган объектлар бўйича шартномалар фақат давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган танлов (тендер) якунлари бўйича тузилиши белгиланди.***
***Йўл-қурилиш ишлари бўйича консалтинг хизматлари (техник назорат) мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.***

● Нефть битумининг йўлларга мўлжалланган маркаларини сотиш соҳасида фаолият олиб бориш ҳуқуқи учун лицензия олиш талаб этилмайди.

***● Айрим хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятли корхоналар харидларни амалга оширишдан олдин давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида эълон жойлаштириш жорий этилди.***

● Тажриба-синов тариқасида 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтди.

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ, ЖАМИЯТИМИЗДА ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА АҲИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

1

## Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври

***Давлатимиз раҳбари табригидаги “Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди”, деган сўзлар тасдиғини ўз ҳаётим мисолида кўряпман.***

Шу маънода, 2019 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ёш китобхон” кўрик-танловининг республика босқичида 20 — 30 ёшлилар орасида 1-ўринни эгаллаб, Президент совғаси — “Спарк” автомобили билан тақдирландим.

Бу соҳадаги ислоҳотлар натижасини бугун фарзандларимизнинг интеллектуал қобилиятида кўра бошладик. Ўқиб-ўрганиш, тарбияли ва билимли ёшларни камол топтириш учун тинимсиз меҳнат қилишимиз керак.

**Сурайё ШОДИЕВА,**
**Косон туманидаги 15-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

## Миллатимиз бахтининг кафолати

***Президентимиз таъкидлаганидек, 2019 йил янги Ўзбекистон ҳаётида жуда салмоқли йил бўлди. Ниҳоятда кўп ва катта ишлар қилинди ва улар ўз самарасини бера бошлади.***

Президентимиз бу ҳақда тўхталар экан, Ўзбекистоннинг салоҳиятини, жаҳондаги обрў-эътиборини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишларга урғу берди. Мамлакатимизда янги очилган университетлар, таълим муассасаларига эътибор қаратди. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун янги ташкил этилган олий таълим муассасалари, халқаро университет ва институтлар билан ҳамкорликда очилган қўшма ўқув даргоҳларида ўзимизнинг ёшлар таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда йилдан-йилга талабалар сони ошиб боряпти. Бу, албатта, зиёлиларимизнинг кўпайишига, юртимизнинг юксак малакали мутахассислар билан таъминланишига хизмат қилади.

Юртбошимиз 2020 йилда олдимизда турган вазифаларни аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берди. Уларнинг энг муҳим стратегик йўналиши сифатида айтиш мумкинки, миллий юксалиш сари ҳаракатимизда 2020 йил жуда муҳим йил бўлишини қайд этди. Ҳар бир оилага тегишли йўналиш — бу фарзандлар тарбияси билан боғлиқ. 2019 йилда ҳам ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилди. Шубҳасиз, 2020 йилда фарзандларимизга тарбия беришнинг сифати, натижадорлиги янада ошади. Тарбия миллатимиз бахтининг кафолатини яратади.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
**«Маърифат тарғиботчилари» жамияти аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

## Халқини суяган давлат асло кам бўлмайди

***Юртбошимизнинг Янги йил табригини диққат билан тингладик. “Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз”, дея алоҳида таъкидланганидан роса қувондим.***

Демак, хайрли ишлар бу йил ҳам изчил давом этади, яна кўплаб оилаларнинг тураржой ва моддий шароитларини яхшилаб олишларига имконият яратилади.

Ўзим ногиронман, яна бир фарзандимнинг ҳам ногиронлиги бор. Бир ўғил ва уч қизим билан ижарадаги уйда яшаб келаётгандик. Янги йил арафасида туманимиз марказида қад ростлаган кўп қаватли тураржой биносидан уч хонали хонадонни бизга ажратишди. Унинг бошланғич бадали давлат ҳисобидан тўлаб берилгани нур устига нур бўлди. Иккинчи қизим университет талабаси бўлди. Ўзим ҳам сиртқи бўлимга ўқишга кирдим. Бугун-эрта туманимиздаги мактаблардан бирида иш бошлайман. Халқини суяган давлат асло кам бўлмайди. Буни Ўзбекистонимиз мисолида кўриб турибмиз.

**Умида ЭРГАШЕВА.**
Мингбулоқ тумани

## Эзгулик сари даъват

***Мамлакатимиз етакчисининг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги юрагимиздан жой олди. Негаки, унда янгиланаётган Ўзбекистонимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида халқимизнинг кўнглидаги гаплар айтилди.***

Мана, ён-атрофга бир разм солинг-а. Маҳалламиз, қишлоғимиз, шаҳарларимиз қиёфаси кундан-кун ўзгариб бормоқда. Ҳар бир фуқарога, оилага кўрсатилаётган эътиборни айтмайсизми? Биргина 2019 йилда вилоятимизда давлат дастурлари доирасида қишлоқ жойларда 770 та икки сотихли ва кўп қаватли, Бухоро шаҳрида эса 420 хонадонга мўлжалланган 10 та етти қаватли арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қирққа яқин қишлоқ ва маҳаллаларда бунёдкорлик ишлари бажарилиб, улар замонавий қиёфага эга бўлди. Бу ўзгариш ва янгиланишлар кўз ўнгимизда рўй бермоқда. Ўнлаб, юзлаб оилаларнинг муаммолари ечим топяпти. Шу боис ҳам одамларнинг эртанги кунга ишончи ортаётир. Ишонч эса инсонга қудрат бахш этади.

Яна бир масала хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Президентимиз 2019 йилнинг 29-30 март кунлари вилоятимизга қилган ташрифи чоғида Бухорони хотин-қизлар билан боғлиқ барча масала бўйича энг намунали ҳудудга айлантириш юзасидан топшириқ берган эди. Буни биз ҳам жуда катта масъулият, ҳам ишонч ўрнида қабул қилдик ва вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш борасида тизимли ишлар олиб боряпмиз. Бу юмушлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, Янги йил арафасида ажралиш ёқасига келган 96 ёш оиланинг яраштирилгани бунинг бир тасдиғидир.

Табрикда Президентимиз “Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз”, дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Биз ҳам ана шу даъватга ўз меҳнатимиз, фидойилигимиз билан ҳисса қўшамиз, албатта.

**Абира ҲУСЕЙНОВА,**
**«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Бухоро вилояти бошқармаси раҳбари.**

## «Йўл харитаси»га асосан...

***Президентимиз табригидаги “Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда”, деган сўзлар замиридаги ҳақиқат туманимиз аҳолиси ҳаётида ўтган 2019 йилдаги юксалишларда ҳам ўз тасдиғини топди.***

Жамоамиз меҳнат қилаётган “Shoy meng business” МЧЖ корхонасида яратилган янги иш ўринлари туфайли 120 нафар қишлоқ аёлининг ижтимоий ҳимояси кафолатланишига эришилди. Ҳозирги кунда бу ердаги тикувчиларнинг самарали меҳнати натижасида бир иш кунида болажонлар учун 1500 — 2000 дона бежирим кийим-кечак тайёрланмоқда.

Йил якунида 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилишга ҳисса қўшдик. Янги йилда маҳсулотларимизни Россия ва Украина бозорларига етказиб бериш ҳажми янада ошади. Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, яқин кунларда пойабзал цехини фойдаланишга топширамиз. Натижада 2020 йилнинг февраль ойидан бошлаб қўшимча 50 та иш ўрни яратилади. Ички бозор учун ойига 10000 дона спорт пойабзали тақдим этамиз.

Туманимиздаги қатор ҳудудларда тадбиркорлик ва ишбилармонликка яратилган шароитлар туфайли кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. “Обод қишлоқ” дастури асосида амалга оширилаётган тадбирлар маҳаллаларимиздаги аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир. Буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 1 — 3 июнь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари бўйича тузилган “Йўл харитаси”га асосан амалга оширилганлиги билан диққатга сазовор.

**Фахриддин ЮСУПОВ,**
**Қуйи Чирчиқ туманидаги «Shoy meng business» МЧЖ раҳбари.**

## Янги йилни янги уйда кутиб олдик

***Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқига Янги йил табригида 2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлганлигини қайд этиб, бу йўналишдаги ишлар 2020 йилда янада кенгайтирилишини қайд этди.***

Ўтган йили Урганч шаҳрида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга 336 та арзон квартира топширилди. Бу иқтисодий имконияти чекланган фуқароларнинг барча қатори фаровон, эмин-эркин ҳаёт кечириши учун кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Янги барпо этилган уйлардан икки хонали хонадон бизга ҳам насиб қилди. Очиғи, илгари бундай замонавий уй-жойга эга бўлиш биз учун гўё ушалмас орзу эди. Битта фарзандимнинг 1-гуруҳ ногиронлигини инобатга олиб, уйнинг бошланғич бадал тўлови давлатимиз томонидан ажратилди. Янги йилни янги уйда ўзгача шодиёна билан кутиб олдик. Беҳад миннатдормиз.

**Камолот УМАРОВА.**
Урганч шаҳри

## Бошимиз осмонга етди

***2019 йил мен учун унутилмас йиллардан бири бўлди. Меҳрибонлик уйида тарбияланганман, яшаш шароитим оғир эди. Ҳокимликка уй-жой сўраб қилган мурожаатим эътиборсиз қолмади ва менга Самарқанд шаҳрининг Қўш Ҳовуз маҳалласидан яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан уй берилди. Янги йилни янги уйда хурсандчилик билан кутиб олдим.***

Жорий йилда Самарқанд вилоятида 2371 оила янги уйга кўчиб кирибди. Уларнинг 284 таси ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган фуқаролар экан.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида ушбу хайрли ишлар бу йил ҳам давом эттирилиши алоҳида таъкидланди. Бу эса мен каби ўз уй-жойига эга бўлиш орзусида юрганлар учун катта ғамхўрликдир.

**Азиза ҒАНИЕВА.**
Самарқанд шаҳри

## Юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ошмоқда

***2019 йил унутилмас воқеаларга бой бўлди. Давлат дастурида белгиланган вазифалар изчил амалга оширилиб, одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш бўйича муайян натижаларга эришилди.***

Чунончи, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ҳамда “Обод марказ” дастурларига биноан, юртимизнинг турли ҳудудларида бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайди. Шунга мувофиқ, биргина Сурхондарё вилоятида 30 та қишлоқ замонавий қиёфа касб этиб, мавжуд инфратузилмалар тубдан янгиланди. Вилоятдаги қишлоқ массивларида замонавий лойиҳалар асосида 1001 та намунали арзон уй-жой барпо этилди. Буларнинг барчаси одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини, эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда.

Президентимиз табригида аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади, деб алоҳида таъкидладилар. 2020 йилнинг 1 февралидан бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимлари иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам миқдори 1,07 баробар оширилиши бунинг исботидир. Буларнинг ҳаммаси шу эл учун, унинг фаровонлиги учун!

**Муҳиддин АБДУЛЛАЕВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ — 2020 ЙИЛ МИНТАҚАСИ




1

Журналда яна шу маълум қилинади: “Агар Бухоронинг меъморий дурдоналарини тадқиқ этишни ёхуд азим Помир томон отда юришни истасангиз, Марказий Осиёнинг барча жойида сизни меҳмондўстлик билан кутиб олишади ва тансиқ таомлар, ёрдам ёки дам олиш учун жой таклиф этишади. Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистон шаҳарларидан ташқари, Марказий Осиёга оммавий туризм ҳали кириб келишга улгурмаган. Бу эса ҳар бир саёҳатга, том маънода, кашфиётчилик туйғуларини бахш этади. Буларга аста-секинлик билан геосиёсий таянч нуқтасига айланиб бораётган минтақанинг ички гўзаллигини қўшинг ва сиз Осиёдаги энг мафтункор яширин маконни ўзингиз учун очасиз”.

“Lonely Planet” томонидан тавсия этилган минтақалар ўнталигидан Марказий Осиёдан сўнг Марке (Италия, 2-ўрин), Тохоку (Япония, 3), Мэн (АҚШ, 4), Лорд-Хау ороли (Австралия, 5), Гуйчжоу (Хитой, 6), Баия-де-Кадис (Испания, 7), Аргентинанинг шимоли-шарқий қисми (8), Кварнер кўрфази (Хорватия, 9) ва Бразилия Амазонкаси (10) жой олган.

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоиз, Ўзбекистон илк марта “Lonely Planet” рейтингига 2018 йилда киритилган эди ва ўша заҳотиёқ саёҳатга бориш учун тавсия этилган жойлар орасида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳридан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Нашрнинг 2019 йил апрель ойидаги сонида эса Ўзбекистон Осиёда 2019 йилда, албатта, бориш керак бўлган мамлакат сифатида эътироф этилди. Ўшанда “Lonely Planet” Ўзбекистонни “икки минг йилдан зиёд давр давомидаги маданият бешиги”, “меҳмондўстлик нуқтаи назаридан Марказий Осиёдаги энг катта мамлакат ва энг кўп таассурот қолдирадиган кўргазма” деб топган эди. “Ўзбекистон жаҳон супермагистрали — Буюк Ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган чўл қальалари, нақш билан безатилган мадрасалар ва қайноқ бозорлар мамлакати”, дея таъкидлаб ўтган эди манба.




“Lonely Planet” — сайёҳлар учун дунёдаги энг машҳур манзилларни аниқлаб беришга ихтисослаштирилган йирик жаҳон нашрларидан бири. Унга 1972 йилда америкалик ва австралиялик сайёҳлар томонидан асос солинган. АҚШ, Австралия ва Буюк Британияда маъмурий қароргоҳларига эга. Икки юз нафар муаллиф бутун дунёдаги энг талабгир туристик йўналишларни мунтазам чоп этиб келади ва бу сайёҳлар қарорига таъсир кўрсатади. “Lonely Planet” ташкил топганидан буён 150 та йўлкўрсаткич тарқатди.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**



# «ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИ»

1

Конференциянинг асосий мақсади Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижалари ва истиқболдаги йўналишларни экспертлар муҳокамасидан ўтказиш, мамлакат тараққиёти учун янги авлод кадрларини тайёрлаш, жамиятни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш борасида фикр алмашишдан иборат.

Анжуман давомида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, илғор инновацион дастурлар ва технологияларни амалиётга жорий этиш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Секция йиғилишларида “Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш”, “Таълим — ижтимоий ривожланишнинг асосий омили”, “Инвестицион муҳитни мустаҳкамлаш — иқтисодий ислоҳотлар марказида”, “Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва устувор йўналишлари”, “Қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни жорий этиш” каби мавзуларда мунозаралар ўтказилаётир.

Халқаро конференция бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ХОРИЖЛИКЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ



1

Марказий Осиёда қарор топаётган минтақавий яқинлашув тенденцияси Буюк Ипак йўлининг аввалги салоҳиятини қайта тиклаш, қардош халқлар тақдирлари бирлиги ҳамда ажралмаслигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таъсис этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви механизми минтақанинг чуқур тарихий илдизларга эга мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ўзаро алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2022 йил тарихий Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитига тайёргарлик кўриш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилияпти.

**ЧЕН Гопин,**
**Хитойнинг хориж давлатлари билан дўстлик уюшмаси вице-президенти:**

— Биз юз йиллар давомида кўринмаган катта ўзгаришлар, тараққиёт йўлидаги имкониятлар ҳамда хатарлар даврида яшаяпмиз. Хитой ва Ўзбекистон ҳам глобал, ҳам Осиё оиласи аъзоларидир. Бизнинг умумий вазифамиз тинчлик, ривожланиш ва ўзаро фойдали шериклик, кўп томонлама ҳамкорлик ёрдамида хатар ҳамда таҳдидларни ҳал этиш, турли цивилизациялар ўртасида янада кенг алмашинув ва ўзаро тушунишга кўмаклашиш, шунингдек, умумий келажакка эга Осиё жамияти, қолаверса, ягона тақдир жамиятини қуриш йўлида кенг маслаҳатлашиш ва унга биргаликда ҳисса қўшишга урғу беришдан келиб чиқади.

“Шанхай руҳи” янги даврда минтақавий ва халқаро прагматик ҳамкорлик учун яхши намуна бўла олади. Одамлар ўртасидаги яқин алоқаларга асосланган дўстлик давлатлараро мустаҳкам муносабатлар калитидир. Тамаддунлар ўртасидаги алмашинув ва ўзаро тушуниш юксалиш ҳамда тинч йўл билан ривожланишнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучидир. Бу эса инсонлар ўртасидаги ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга туртки берадиган боғловчи бўғиндир. Халқ дипломатияси бу борада ноёб роль ўйнайди.



Хитой ва Ўзбекистон дўст давлатлар бўлиб, иқтисодиёт, савдо ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда кўп йиллик алоқага эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик мазмуни доимий кенгайиб боришига, шунингдек, “Бир макон, бир йўл” лойиҳасини амалга ошириш жабҳасидаги ҳамкорлик, ШҲТда янада дўстона жамият қуришга ижобий ҳисса қўшишларига ишончим комил.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:**

— Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи Буюк Ипак йўли билан узлуксиз боғланган. Тарихчилар унга милоддан аввалги иккинчи асрда асос солинган дейишади. Сабаби, ўшанда Хитой элчиси Чжан Цянь Марказий Осиёга дипломатик миссия билан ташриф буюрган.

Ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маданий қадриятлар ҳаракатланишининг кўҳна трансмиллий йўли ҳудудларида жойлашган мамлакатларимиз дунё цивилизацияси равнақига муҳим ҳисса қўшган. Савдо карвонлари ва Буюк Ипак йўли ушбу вақт давомида кўп томонлама ягона маданий бирликни яратган ҳолда, давлатларни бирлаштирган. Бу умумий бойлик, халқларнинг ўзаро тушунишидаги пишиқ ришта, тамаддунлараро мулоқотнинг муҳим воситасига айланган.



Дўст мамлакатларимиз ва халқларимизнинг изчил саъй-ҳаракатлари шарофати билан узоқ муддатли ҳамда кўп қиррали ўзаро алоқалар ўрнатилди, давлатлараро ва ҳукуматлараро даражалардаги ташрифлар суръатлари ўсяпти, халқлараро мулоқот мустаҳкамланмоқда.

Буюк Ипак йўли ШҲТга аъзо мамлакатлар халқлари учун нафақат моддий мерос, балки турли мамлакатлар ва халқларни бирлашишнинг буюк гуманистик қадриятларини мерос қилиб қолдирди. Бу эса уларни юксалиш сари етакламоқда. ШҲТ — турли тарихий-маданий ва миллий қадриятларга тегишли бўлган турли миқёслардаги мамлакатларнинг ўзаро уйғунликда ҳаёт кечиришига мисолдир. Ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказиш халқларимиз ўртасидаги ўзаро тушуниш, маданиятларнинг турфа хиллигини асраб-авайлаш, дунё халқлари ҳақидаги билимларни ёйишга хизмат қилади. Санъат ва маданият ҳамиша халқларни яқинлаштиришнинг бош мезонларидан бири бўлиб келган ҳамда давлатлараро муносабатларнинг энг илҳомбахш соҳаси ҳисобланади.

**С. ҚОСИМЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Жараён

# ЙПХ ХОДИМЛАРИ БОДИКАМЕРАДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА, ХИЗМАТ ЎТАШНИ БОШЛАДИ

*2020 йилнинг 1 январь кунидан Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг барча ЙПХ ходимлари хизматни мобил камерадан фойдаланган ҳолда ўташни бошладилар.*

ИИВ ЙҲХББ ахборот хизматининг эслатишича, ЙПХ ходими тўхтатиб мулоқотга киришганда, мазкур мулоқот мобил камерага ёзиб олинади, келгусида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилса, айбни исботлаш учун видеоёзувдан фойдаланилиши мумкин.

Билдирилишича, ходимлар томонидан фойдаланилаётган мобил камералар, ходимнинг йўл ҳаракати иштирокчилари билан ўзаро мулоқотини тасвирга олиб, ушбу мулоқотнинг самимий, хушмуомалалик асосида бўлишига ҳамда зиддиятли ва нохуш вазиятларни, шунингдек, коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳайдовчилар бодикамерасиз ЙПХ ходимига ҳужжат кўрсатмаслик ҳуқуқига эга.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан инвестицияларни жалб қилган ҳолда, Франция тараққиёт агентлиги ҳамкорлигида молиялаштирилиши режалаштирилаётган «Чорвоқ ГЭСи ва тўғон ишининг хавфсизлигини таъминлаш лойиҳаси» амалга оширилиши белгиланган.

**Мазкур лойиҳа доирасида 2020 йилнинг 9 январь куни соат 11.00 да «Чорвоқ» маҳалла фуқаролар йиғини биносида**

**«Экостандарт Эксперт» консалтинг компанияси**

томонидан тайёрланган «Чорвоқ ГЭСи ва тўғон ишининг хавфсизлигини таъминлаш лойиҳаси» натижалари юзасидан аҳолининг хабардорлигини оширишга мўлжалланган жамоатчилик муҳокамаси ўтказилади. Муҳокамада атроф-муҳитни муҳофаза этиш, ижтимоий ва экологик таъсирини баҳолаш бўйича тақдимот қилинади.

Жамоатчилик муҳокамасига Чорвоқ ГЭСи ҳудуди аҳолиси, манфаатдор ташкилотлар ва барча қизиқувчиларни таклиф этамиз.

**Мурожаат учун телефон: 71-237-51-39.**

Учрашув ташкилотчиси: «Экостандарт Эксперт» консалтинг компанияси

02R/01

*Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва давлат идоралари, ташкилотлари ҳамда корхоналари раҳбарлари диққатига!*

**2019/2020 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-шартнома асосида Андижон давлат тиббиёт институтида таҳсил олган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг вилоятлар кесими бўйича истиқомат қилувчилар ҳақида маълумот.**

**I. Магистратура мутахассисликлари:**
**Андижон вилояти бўйича:**

1. Акушерлик ва гинекология — 1 нафар давлат гранти, 4 нафар тўлов-шартнома.
2. Жарроҳлик — 1 нафар тўлов-шартнома.
3. Кардиология — 2 нафар давлат гранти, 6 нафар тўлов-шартнома.
4. Терапия — 2 нафар давлат гранти, 2 нафар тўлов-шартнома.
5. Юқумли касалликлар — 1 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
6. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
7. Нейрожарроҳлик — 1 нафар тўлов-шартнома.
8. Дерматовенерология — 1 нафар давлат гранти, 3 нафар тўлов-шартнома.
9. Офтальмология — 2 нафар тўлов-шартнома.
10. Оториноларингология — 1 нафар давлат гранти.
11. Неврология — 1 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
12. Морфология — 1 нафар тўлов-шартнома.
13. Онкология — 1 нафар давлат гранти.
14. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси — 3 нафар тўлов-шартнома.
15. Болалар неврологияси — 1 нафар давлат гранти, 2 нафар тўлов-шартнома.
16. Болалар кардиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар тўлов-шартнома.
17. Педиатрия — 1 нафар давлат гранти.
18. Соғлиқни сақлашни бошқариш — 1 нафар давлат гранти.
19. Спорт тиббиёти — 1 нафар давлат гранти.
20. Неонатология — 1 нафар давлат гранти.
21. Ташхиснинг функционал текширув усуллари — 1 нафар тўлов-шартнома.

**Фарғона вилояти бўйича:**

1. Акушерлик ва гинекология — 1 нафар тўлов-шартнома.
2. Жарроҳлик — 2 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
3. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар тўлов-шартнома.
4. Болалар кардиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
5. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси — 1 нафар давлат гранти.
6. Болалар неврологияси — 1 нафар тўлов-шартнома.
7. Офтальмология — 3 нафар тўлов-шартнома.
8. Оториноларингология — 2 нафар тўлов-шартнома.
9. Суд-тиббиёт экспертизаси — 1 нафар давлат гранти.
10. Юқумли касалликлар — 1 нафар давлат гранти.
11. Педиатрия — 1 нафар давлат гранти.
12. Урология — 2 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
13. Морфология — 1 нафар тўлов-шартнома.
14. Ташхиснинг функционал текширув усуллари — 1 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
15. Умумий онкология — 1 нафар давлат гранти.
16. Неврология — 2 нафар тўлов-шартнома.
17. Травматология ва ортопедия — 1 нафар давлат гранти, 3 нафар тўлов-шартнома.
18. Нейрохирургия — 1 нафар давлат гранти.
19. Кардиология — 1 нафар тўлов-шартнома.
20. Неонатология — 1 нафар давлат гранти.

**Наманган вилояти бўйича:**

1. Болалар кардиологияси ва реаниматологияси — 2 нафар тўлов-шартнома.
2. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар давлат гранти.
3. Болалар неврологияси — 1 нафар тўлов-шартнома.
4. Кардиология — 2 нафар тўлов-шартнома.
5. Офтальмология — 1 нафар давлат гранти, 1 нафар тўлов-шартнома.
6. Юқумли касалликлар — 2 нафар тўлов-шартнома.
7. Неврология — 2 нафар тўлов-шартнома.
8. Онкология — 2 нафар тўлов-шартнома.
9. Жарроҳлик — 2 нафар тўлов-шартнома.
10. Педиатрия — 1 нафар тўлов-шартнома.

**Сурхондарё вилояти бўйича:**

1. Оториноларингология — 1 нафар тўлов-шартнома.

**II. Бакалавриат йўналишлари:**
**1. Даволаш факультети бўйича:**

1. Андижон вилояти — 29 нафар давлат гранти, 72 нафар тўлов-шартнома.
2. Фарғона вилояти — 23 нафар давлат гранти, 68 нафар тўлов-шартнома.
3. Наманган вилояти — 9 нафар давлат гранти, 31 нафар тўлов-шартнома.
4. Сурхондарё вилояти — 1 нафар тўлов-шартнома.

**2. Педиатрия факультети бўйича:**

1. Андижон вилояти — 14 нафар давлат гранти, 39 нафар тўлов-шартнома.
2. Фарғона вилояти — 14 нафар давлат гранти, 52 нафар тўлов-шартнома.
3. Наманган вилояти — 15 нафар давлат гранти, 23 нафар тўлов-шартнома.
4. Сурхондарё вилояти — 1 нафар давлат гранти.
5. Қашқадарё вилояти — 1 нафар тўлов-шартнома.
6. Бухоро вилояти — 1 нафар тўлов-шартнома.

**3. Олий малакали ҳамширалик иши бўйича:**

1. Андижон вилояти — 15 нафар давлат гранти, 6 нафар тўлов-шартнома.
2. Фарғона вилояти — 6 нафар тўлов-шартнома.
3. Наманган вилояти — 6 нафар тўлов-шартнома.

**4. Касб таълими йўналиши бўйича:**

1. Андижон вилояти — 5 нафар давлат гранти, 12 нафар тўлов-шартнома.
2. Фарғона вилояти — 3 нафар давлат гранти, 7 нафар тўлов-шартнома.
3. Наманган вилояти — 2 нафар давлат гранти, 4 нафар тўлов-шартнома.

**5. Стоматология йўналиши бўйича:**

1. Андижон вилояти — 7 нафар давлат гранти, 30 нафар тўлов-шартнома.
2. Фарғона вилояти — 3 нафар давлат гранти, 30 нафар тўлов-шартнома.
3. Наманган вилояти — 1 нафар давлат гранти, 12 нафар тўлов-шартнома.
4. Тошкент шаҳри — 1 нафар тўлов-шартнома.
5. Сурхондарё вилояти — 1 нафар тўлов-шартнома.

**Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи: А. Зияев.**

*Институт маъмурияти Телефон: 74-223-94-73.*

1058J/715

# 1 ЯНВАРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

## ҚИСҚАРАЁТГАН ҲУЖЖАТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

● Аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланадиган бўлди.

***● 2020 йил 1 январдан тажриба тариқасида айрим давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва ҳудудларда, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматига қабул очиқ мустақил танлов асосида амалга оширилади.***



● Ялпи тушумнинг умумий ҳажмида тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг экспорти 60 фоиздан кам бўлмаган экспорт улушига эга бўлган корхоналар 2023 йил 1 январгача мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилди.

Тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик корхоналарининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси етти йил давомида тенг улушларда замонавий тозалаш ва канализация иншоотларини қуриш бўйича харажатлар суммасига камайтирилди.

Чорва молларини сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган мажмуаларни ишга тушираётган ташкилотлар ва терини қайта ишловчи корхоналар 2023 йил 1 январгача ер солиғи тўлашдан озод этилди.

“Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмаларининг хорижий консультантлари Ўзбекистон Республикасидаги даромад манбалари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини унинг белгиланган ставкасидан 50 фоиз миқдорида тўлаш жорий этилди.

***● “Баркамол авлод” болалар мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкалари:***

***директор ва директор ўринбосарлари учун 1,55 баравар, тўгарак раҳбари учун 1,5 баравар оширилди;***

***инструктор-услубчилар ва услубчилар меҳнатига ҳақ тўлаш базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб амалга оширилади ҳамда уларнинг базавий тариф ставкалари тўгарак раҳбарлариникига тенглаштирилди.***

● Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи ставкалари:

республика, вилоятлараро ННТлар учун — БҲМнинг 4 бараваридан 3 бараваригача;

вилоят ННТлари учун — БҲМнинг 2 бараваридан 1 бараваригача пасайтирилди.

***● Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун ташувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни ўз вақтида тақдим қилган ҳолда қайтиш авиачиптаси мавжуд бўлган шартларда мамлакатимиз халқаро аэропортлари орқали 7 кундан кўп бўлмаган муддатга Ўзбекистонга визасиз кириш тартиби белгиланди.***



● Қуйидаги янги нотариал ҳаракатлар жорий этилди:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш;

мулкий ва мерос масалаларида медиатор вазифаларини бажариш;

муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектининг тақдим этилган вақтини тасдиқлаш.

***● Дорилар ва тиббий буюмларнинг савдо жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видеоёзувларни сақлаш мазкур фаолият учун лицензия талаби ҳисобланади ва талабнинг мунтазам бир йил давомида бир мартадан кўп бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асосдир.***

● Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

Қўмита тизимига кирувчи бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари 1,5 коэффициент оширилди.



# МУҚАДДАС САРҲАДЛАРИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНЛАРИ



1

— Мазкур ҳужжат республика қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланади ва унда миллий манфаатлар, дунё ҳамда минтақамиздаги ҳарбий-сиёсий вазият, замонавий ҳарбий можаролар хусусиятларидан келиб чиққан, — дейди Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи, генерал-майор Павел Эргашев. — У давлатнинг мудофаа соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб беради ва очиқлик хусусиятига эга. Бу эса шаффофликни таъминлайди, бошқа мамлакатлар билан самарали ўзаро ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади.

Шунингдек, қўшинларнинг ҳарбий тайёргарлик дастурига ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда машғулотлар замонавий интерфаол усуллар асосида олиб бориляпти. Ҳарбий хизматчилар давомати даражасини такомиллаштириш учун рейтинг тизими татбиқ этилди. Бундан кўзланган мақсад эса шахсий таркибнинг мустақил билим олишини ошириш ва доимий изланишини ташкил қилишдир. Шулар билан бир қаторда, моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланган ҳолда, ҳақиқий ҳарбий шароитларга максимал даражада яқинлаштирилган тактик-ўқув машғулотларини ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Ҳар бир тактик ўқув ва амалий машғулотларни ўтказиш тартибига тегишли бўлган турли йўналишлар бўйича ўқув-методик фильмларни тайёрлаш ҳамда улар билан ҳарбий қисмлар ва муассасаларни таъминлаш тизими йўлга қўйилди.



## Ҳарбий хизмат нуфузи ошмоқда

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитлари ҳам тубдан ўзгарди. Жумладан, Давлат тест маркази билан ҳамкорликда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида амалга ошириляпти. Шундай қилиб, Ўзбекистон Қуролли Кучлари юқори билим даражаси ва яхши жисмоний тайёргарликка эга ёшлар ҳисобидан тўлдирилаётган мамлакатлар қаторидан жой олди.

— Биз биринчи кундан бошлабоқ янги келган аскарларни масъулият ва ватанпарварлик фазилатлари руҳида тарбиялаяпмиз, уларнинг армия шароитларига кўникишларига ёрдам бермоқдамиз, — дейди Шимоли-ғарбий ҳарбий округда шартнома асосида хизмат ўтаётган сержант Азат Усманов. — Бўлинмамизда йигитлар ҳақиқий мард бўлиб етишишлари учун барча зарур имкониятлар мавжуд. Президентимиз томонидан ҳарбий хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди, Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар берилди. Буларнинг барчаси, албатта, ёшлар ўртасида армияда хизмат қилишга бўлган қизиқишни сезиларли равишда оширади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини уй-жой билан таъминлашга оид давлат дастури амалга оширилмоқда, ҳам шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун яхлит имтиёзлар тизими яратилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳар бир хизматчи бир вақтнинг ўзида ойлик пулларини оляпти, ўзини кўрсатган ва тестларни муваффақиятли топширганларга эса қисм қўмондонлигининг тавсияномалари берилмоқдаки, улар республикадаги олий ўқув юртларига имтиёз асосда кириш имкониятига эга бўлишяпти.



Тоғ ўқув марказларида йўриқчи мутахассислар иштирокида ҳарбий хизматчиларнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларидаги тактик ҳаракатларга тайёргарлиги бўйича тактик йиғинлар ўтказилмоқда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ва турли жойлашув ҳудудларида десант ташлашнинг турли кўринишлари ишлаб чиқиляпти. Махсус тактик-ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишга барча қўшин турлари бўлинмалари жалб этилмоқда. Бу эса улар ўртасидаги яқин ҳамкорлик ва уйғунликни йўлга қўйишда ёрдам беряпти.



## Полигонлар ҳамиша қизғин

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва Миллий гвардиясида ҳарбий хизматчиларнинг амалий машғулотлари, бошқа мамлакатларнинг қуролли кучлари идоралари билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда тажриба алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Тревога!" сигнали бўйича қўшинлар юқори даражадаги ҳарбий тайёргарликка келтирилди. Асосий амалий ҳаракатлар юртимиздаги саккизта полигонда бўлиб ўтди. Уларда авиацияни жалб этган ҳолда мотоўқчи, танк бўлинмалари, реактив ва стволли артиллериянинг жанговар ўқ отиш машқлари амалга оширилди. Қўққисдан текшириш барча ҳарбий жамоалар ҳаракатлари мустаҳкам жипслашганини кўрсатди. Бу ҳам армиямиз юксак даражадаги маънавий-психологик руҳга эга эканлигининг тасдиғидир.

Эндиликда бундай текширишлар ҳарбий округларда тез-тез ўтказиляпти. Мисол учун, 2019 йил май ойида эрта тонгда Қуролли Кучлар Бош штабидан келиб тушган "Тревога!" сигнали бўйича Термиз гарнизони қўшинлари юқори даражадаги ҳарбий тайёргарликка келтирилди. Ҳарбий хизматчилар олдида жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича билим ҳамда кўникмаларини намойиш этиш, батальон-тактик гуруҳлар ҳаракатларидаги муштараклик, қурол-яроғлар ва ҳарбий техникани бошқаришдаги моҳирликни намойиш этиш вазифаси турарди. Ушбу топшириқларни қўшинлар "аъло" баҳога бажаришди.

Олдинги йиллардагидан фарқли равишда, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун тактик ўқувларни ўтказиш мунтазамлик касб этмоқда. Эътиборлиси, улар тез-тез бошқа давлатлар армиялари вакиллари иштирокида ўтказиляпти. Ўтган йили Жиззах вилоятидаги "Фориш" ва Наманган вилоятидаги "Ғурумсарой" полигонларида "Ҳамкорлик — 2019" Ўзбекистон — Хитой аксилтеррор ўқув-амалий машғулотлари ҳамда "Ҳарбий ҳамкорлик — 2019" қўшма махсус тактик-ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон армияси ва Миллий гвардиясида Ватан ҳимоясига қодир бўлган, ўз ишининг профессионаллари хизмат қилади, — дейди Хитой Халқ Қуролланган Милицияси Бош қўмондони, генерал-полковник Ван Нин. — Ўзбекистон полигонларида стратегик шериклик ва ҳамкорликка асосланган ҳамда таҳдидларга қарши курашиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган бу каби кенг миқёсдаги ҳарбий машғулотларнинг ўтказилиши иштирокчи мамлакатлар ҳарбий хизматчилари учун мактаб вазифасини ўтайди.

## Кучларни бирлаштирган ҳолда, хатарлар ва таҳдидларга қарши курашиш

Маълумки, Ўзбекистон турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмайди, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймайди. Бинобарин, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик миллий армия жанговар тайёргарлигини оширишга хизмат қиладиган тажрибалар алмашиш, "Бу — менинг Ватаним, уни кўз қорачиғидек асрайман ва унинг учун жонимни беришга тайёрман", деган сўзлар ҳаёт шиорига айланган ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласини ўз ичига олади.

Сўнгги пайтларда Мудофаа вазирлиги кўплаб давлатлар қуролли кучлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. МДҲ мамлакатлари, АҚШ, Покистон ва бошқа делегациялар юртимизга ташриф буюрди, Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, ҳарбий кадрлар тайёрлаш учун яратилган шароитлар билан танишишди, соҳада жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликка баҳо беришди.

Умуман олганда, қисқа вақт ичида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг куч-қудрат бўйича жаҳон рейтингида тўққиз поғона юқорилагани армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганининг яққол исботидир. Шунга мос равишда Ватанимиз ҳимоячилари қўшма ўқув машғулотлари ва дунё мамлакатлари ҳарбий хизматчилари ўртасида ўтказиб келинаётган нуфузли халқаро турнирларда ҳам билим ва маҳорати, барқарорлиги, руҳияти, кучи, жипслигини ёркин намоён этиб келяпти. Улар Буюк Британия мезбонлик қилиб келадиган "Кембрия патрули" танловида икки карра биринчи ўринни эгаллади, Халқаро армия ўйинларида муваффақиятли иштирок этди. Биринчи марта 2017 йилда "АрМИ" мусобақаларида қатнашган вакилларимиз икки йил ичида рақибларига қарши жиддий рақобат туғдириш ҳамда Жиззах вилоятидаги "Фориш" полигонида ҳарбий-тиббий эстафетани юқори ташкилотчилик даражасида ўтказишга қодир эканликларини кўрсата олишди.

## Илк иштирокда яхши кўрсаткич

Халқаро армия ўйинларида энг томошабоп ва машҳури, шубҳасиз, танк биатлони ҳисобланади. 2018 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги делегацияси унда кузатувчи давлат сифатида қатнашган бўлса, 2019 йилда беллашувнинг тўла ҳуқуқли иштирокчисига айланди. Дебют натижаси эса биринчи дивизионга чиқиш имкониятини тақдим этди.

Гап шундаки, Ўзбекистон танкчилари танк биатлони иккинчи дивизионнинг финал босқичида муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўрин ҳамда "АрМИ — 2020" халқаро танловининг биринчи дивизион йўлланмасини қўлга киритди. Ҳарбий машина экипажи бу борада қийин йўналишни 2 соат 7 дақиқаю 22 сонияда босиб ўтиб, 13 та нишонни йўқ қилди.

Қолаверса, муҳандис-сапёрлар ҳам Россиянинг Тюмень области полигонида учинчи ўринни эгаллаб, муваффақият қозонди. Мамлакатимиз қўшин разведкачилари эса илк бор Эльбурс чўққисини забт этишди. Ҳарбий альпинистларимиз асосий лагердан баландлиги 4130 метрли тоғ чўққисигача 4 соату 25 дақиқада етиб олди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Жиззах вилоятидаги "Фориш" тоғ-дала ўқув полигонида биринчи марта Халқаро армия ўйинларининг ҳарбий шифокорлик фаолияти усталари ўртасида танлов ўтказилди. Ушбу мусобақада 11 давлатдан 200 га яқин энг яхши ҳарбий-тиббиёт мутахассислари ҳозир бўлди. Улар 12 кун давомида профессионал маҳорати ва ҳарбий кўникмаларини намойиш этди. Ўзбекистон вакиллари энг яхши жамоа, дея эътироф этилди.

Армиямиз жанговар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлиги бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, халқаро терроризмга қарши курашиш бўйича тажриба алмашиш, Ватанимизнинг муқаддас сарҳадлари ҳимояси учун ишончли қалқон яратиш борасида юртимиз Қуролли Кучларида ислоҳотлар ва ўзгаришлар давом эттирилмоқда, халқаро алоқалар мустаҳкамланяпти, ҳамкорликдаги тактик-ўқув машғулотлари ўтказилаётир. Улардан бири 2019 йилнинг декабрь ойида Шарқий ҳарбий округ "Ғурумсарой" полигонида Россия Федерацияси ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Навбатда янги тадбирлар турибди. Улар ҳарбий хизматчилар учун тобланиш, мардлик, қатъият мактабига айланади, энг муҳими, Ватанга бўлган чин муҳаббатни янада мустаҳкамлайди.

**Сардор ЛОЧИНБЕКОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати суратлари.

## 1 ЯНВАРДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

### ҚИСҚАРАЁТГАН ҲУЖЖАТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

● Жисмоний шахсларга қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ:

қуёш фотоэлектрик станциялари учун — 3 миллион сўмдан;

қуёш сув иситкичлар учун — 1,5 миллион сўмдан;

газ-горелкали қурилмалар учун — 200 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этилмоқда.



***● "Республика синов ва сертификатлаштириш маркази" "Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази" ("UzTest")га айлантирилди.***

● Туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 20 АҚШ доллари, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 50 АҚШ доллари миқдорида қоплаб берилади.

Хорижий кинокомпанияларнинг Ўзбекистон ҳудудида аудиовизуал маҳсулотлар (кино, теле ва видеофильм, клип, мультфильм, анимелар) яратишдаги харажатларининг бир қисми ("rebate") битта маҳсулот учун 300 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадиий, қисқа метражли бадиий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун 3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади.

Тадбиркорлик субъектларининг республика ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) чет эл таомларига ёки алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган мавзули овқатланиш шохобчаларини, шунингдек, "караоке" заллари ва туристик қўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисми ҳар бир лойиҳа учун 10 миллион сўм миқдорида қопланади.



Тасдиқланадиган рўйхат бўйича моддий-маданий мерос объектлари ҳудудларига 5 тоннадан юқори вазнга эга катта ҳажмли автотранспорт воситаларининг киришига чеклов қўйилди.

ЮНЕСКО рўйхатига киритилган маданий мерос объектлари ва давлат муҳофазасига олинган ёдгорликлар ҳудудида фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сувенир маҳсулотлари сотилади.

***● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қуйидаги ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди:***

***қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш;***

***жисмоний ва юридик шахслар эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш.***

● Юридик шахслар — суғурта брокерлари ва суғурта агентлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси комиссия мукофотининг 13 фоизи миқдорида белгиланди.

Суғурта ташкилотининг бошқа суғурта ташкилотлари устав фондларида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Суғурта захираларининг минимал даражаси белгиланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6